

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

O'ZBEK TILI
VA ADABIYOTI



О'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

1 / 2013



СОДЕРЖАНИЕ

Языкоизнание

Н. Махмудов. Сравнения и национальный образ	3
М. Эргашева. Экстрамлингвистические факторы речевой реализации грамматического значения	8
Г. Жуманазарова. Изучение языка народных достоин	13
572-летие Алишера Навои	
М. Асадов. Художественные особенности "Сокийнома" Навои	20
К. Эргашев. Трактовка межгосударственных отношений в "Тарихи мулук Ажам"	25
Н. Бекова. Традиции и своеобразие в "Сигтai зарурия"	29
А. Эшонбобоев. К биографии Алишера Навои	32
А. Казиходжа. Об одной притче в "Хайрат ул-абдор"е	36
Б. Раджабова. Взгляды Навои на собственность	42
Б. Юсуф. Лингвонимы в произведениях Навои	45
Научные сообщения	
Д. Салахий. Бабур и накшбандия	50
Б. Мирзаяева. Наблюдения Хады Зарифа по одному астану	55
М. Хасанова. Традиции написания касыл в первой половине XV века	59
Ю. Эшматова. Внутренний монолог и изображение психологии	61
О. Еункюнг. Мотив стрельбы из лука в поэмах "Алгамъш" и "Джумони"	64
О. Таджибаева. О прозаическом пересказе "Сады Искандари"	67
Р. Джулатов. Образ Павлина в "Лисон уг-тайр"	70
Г. Аззамджиева. Тема родины в творчестве Бабура	73
Ф. Ибрагимова. Свообразия жанра трилогии	75
Г. Куйлиева. Своеобразия жанра трилогии	75
Ф. Ибрагимова. Антиэзламилисса	75
М. Хакимова. Причины обогащения словарного состава абстрактными словами	81
Ш. Сидаиков. Несобственно-прямая речь в речевой коммуникации	85
Б. Туйчибаев. Выражение понятия пола в народном языке	87
Ш. Ганиева. Место фразеологизмов в системе устойчивых словосочетаний	90
Н. Хаджимусаева. Семантико-стилистические особенности числительных в Аастане "Орзигул"	94
И. Эрматов. Расширение и сужение значения в лингвистических терминах	97
Э. Умаров. Мастерство Навои в употреблении фраз	100
Г. Пирназарова. Об этнографических особенностях имен	101
Деятели науки	
Н. Махмудов. Б. Юлдапов. Рахматулла Кунгурев	104
Р. Баракаев, Э. Очилов. Зухридин Исамиддинов	107
Наследие	
А. Турдалиев. Еще об одном рукописном источнике из наследия Мухий	110
Мухий. Газел, Мухаммасы	112
Обсуждение. Дискуссия	
Н. Джулахаджа. Знаете ли вы 101-значение?	115
Научная жизнь	
Э. Очилов. Конференция навоиведов	120
Камил Йимамов	121
Нарбай Худайберганов	123
Авторам	123

Ёзувчи бадиий матнда антиэллиптик конструкцияни қўллаб, фикрнинг барча ёки тегишли унсурларини таъкидлайди, бунда баъзан ёзувчига антиэллипсиснинг ўзи етарли эмасдай туюлади ва мазкур таъкидни янада сезиларли бўлиши учун тасвирда ҳам айтиб ўтади. Масалан:

...Хайдовчи пешойна тенасидаги кўзгу орқали Йигиталига қараб олди-да:

– Буларнинг ичидаги нима қилиб юрибсиз, тога? – деди.

Унинг "булар" деб беписанд гапиргани Йигиталига малол келди. Шу сабабли "булар" сўзига атайн ургу бераб, жавоб қайтарди:

– **Булар менинг қимматли қўйиниларим.** Иссиғим ҳам, совугим ҳам шу-лар билан эди (Т.Малик, "Шайтанат")

Кўриниб турганидай, Булар менинг қимматли қўйиниларим конструкциясидаги антиэллипсисга кўра эга позициясидаги булар сўзи таъкид олган, аммо ёзувчи айни пайтда бу сўзга ургу берилаётганини ҳам айтиб ўтган.

Айтиш мумкинки, антиэллиптик конструкцияларда субъектив-модал муносабатлар алоҳида таъкид билан ифодаланади. Бунда, албатта, эмоционаллик ифодаловчи оҳангнинг мавжудлигини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бундай субъектив-модал муносабатлар орасида киноя-кесатиқ алоҳида ўрин тутади. Бу маънонинг антиэллиптик конструкцияларда кучли тарздаги таъкид билан ифодаланиши жиҳдий лингвопоэтик қиммат касб этади. Масалан:

Туробжоннинг боши говлаб, кўзи тинди.

– Утган бозор куни еган анорининг ўйнашинг олиб келганмиди?

– **Ўйнашим олиб келган эди!** (А.Қаҳҳор, "Анор")

Бу парчадаги Ўйнашим олиб келган эди шаклидаги конструкцияда жуда кучли киноя ифодаланган, бу киноя таъсирида Туробжон тамоман ўзини идора қилолмай қолади. Сўроқ репликадаги бўлакларнинг жавоб репликада такрорланиши (бу ўринда тўлдирувчи такрорланмаган) кесатиқнинг кескинилигини таъминлаган.

Умуман, диалогик антиэллипсис бадиий матнда турли лингвопоэтик вазифаларни бажаради. Диалогик антиэллипсис бадиий матнда эмоционаллик-экспрессивликни таъминлашга, турли маъно нозикликларини ифодалашга, бадиий матн эстетик таъсиричанлигини оширишга хизмат қиласи. Бу тўғридан-тўғри муаллиф услуби билан ҳам алоқадордир. Кўпинча қаҳрамонлар характер-хусусиятини ёритишда муаллиф бадиий матнда айнан диалогик антиэллипсисдан фойдаланиш орқали ўз олдига қўйган бадиий мақсадига эришади. Шуни ҳам яна бир бор таъкидлаш жоизки, бадиий матнларда диалогик антиэллипсислар монологик антиэллипсисларга қараганда кам частоталилиги билан фарқ қиласи.

Resumes

Fazilat Ibragimova's article under the title of "Lingvopoetic peculiarities of dialogic antiellipsis" is analyzed tasks of this feature in the artistic text.

Муҳайё ҲАКИМОВА

ЛУГАТ ТАРКИБИННИГ АБСТРАКТ СЎЗЛАР БИЛАН БОЙИШ САБАБЛАРИ

Лугат таркиби тилнинг доимо ўзгариб турувчи, энг сезгир соҳаси бўлиб, унда тил эгалари ҳаётидаги барча ўзгаришлар, жумладан, ақдий салоҳиятининг ривожланиши, фикрлаш тараққиёти ҳам ўз аксини топади. Лугат таркиби янги ўрганилган реалликлар, кашф қилинган артефактлар

лгандим,
кин эди,
ш, унинг
мумкин.

ётганини
на жавоб

иптиқ ту-
слида жа-
есимнинг
и алоҳида
иқ равиш-
м (керак)
нструкци-
ида кучли
и мумкин:
солди.

Хошимов,
ўйинг дега-
ти эллип-
ста учраши
ни диалог-
ти эллиптик
и даражада
арнинг бир
авола бўлак

б бораман.
ардан бир

уни")

ат. Иккичи
липтиқ гап,
ўлган куни),
бўлаклари
ўлса-да, бу
Чунки Нақ
резида айнан
онияти мав-
тиқ конструк-
тидан атайнин
дин қилишга
катъйлиги
а С. Ўзбек ти-

номи билан бирга домий равишда абстракт сўзлар ҳисобига бойиб боради. Тил тарихига асосланиб айтиш мумкинки, тил тараққиётининг дастлабки даврларида лугат таркиби, асосан, конкрет сўзлардан ташкил топган бўлса, кейинчалик эса абстракт сўзлар билан бойиб борди.

“Тил тарихи инсоният абстракциялаш ва умумлаштириш фаолиятининг доимий ривожланишидан дарак беради. Ижтимоий тараққиёти нисбатан қуириқ босқичда бўлгани халқлар тилида сақланган хусусиятлар уларнинг абстракциялаш ва умумлаштириш фаолияти замонавий инсонларницидан фарқ қилишидан далолат беради”¹. Масалан, эскимос тилида абстракт сўзлар жуда кам бўлгани ҳолда, муз ва қорнинг ҳар хил турларини номлаш учун қирққа яқин сўзлар мавжуд: *Aput* – “ерда ётган қор”, *qana* – “ёгаётган қор”, *piqsirpoq* – “довул пайтидаги қор”, *qitiqsiz* – “қор уюми” тушунчалари учун кўлланади².

Инглиз тадқиқотчиси Эйрнинг ёзишича, австралиялик аборигенлар тилида дарахт, балиқ, қуш каби тур номлари мавжуд эмас. Уларда фақат дарахт, балиқ, қушларнинг ҳар бир хиллари учун алоҳида номлар мавжуд. Янги Зеландиянинг Маори қабиласи ҳақида Леви Брюль шундай ёзди: “Улар эркак ва аёл дарахтларнинг муайян турларини атовчи бир қанча номларга эга. Улар дарахтларнинг ўсиш жараёнида баргларнинг ҳажми ўзгариши билан боғлиқ турли даврларидағи кўринишларини алоҳида номлар билан атайдилар. Улар яна дарахт гулларининг маҳсус номларига, очилиб улгурмаган барг ва меваларнинг алоҳида номларига эга...”³

Маълум бўладики, тил тараққиётининг дастлабки босқичида, сўзлар, асосан, тор ҳажмали конкрет тушунчаларни ифодалаган. Уларнинг лугат таркибида абстракт сўзлар мавжуд бўлмаган. Эйрнинг тадқиқотларига яна мурожаат қиласидан бўлсан, “Тасманияликларда ажратилган, абстракт (отвлечененный) тушунчалар мавжуд эмас эди... Улар “қаттиқ”, “тинч”, “қайноқ”, “совуқ”, “узун”, “қисқа”, “думалоқ” каби тушунчаларни ажратиш қобилиятига эга эмас эдилар. Улар “қаттиқ” тушунчасини ифодалаш учун “тош каби”, “узун” тушунчаси учун “узуноёқ”, “думалоқ” тушунчаси учун “ой каби” бирикмаларни кўллашган”⁴.

Инсоният белги ва муносабатларни ташувчисидан алоҳида тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлиши билан тилда энг элементар абстракт сўзлар пайдо бўла бошлади. Булар, асосан, кундалик ҳаётдаги ҳодисалар ва доимий эҳтиёждаги предметларнинг муҳим белгиларини ажратиш билан ҳосил қилинган сўзлардир: *совуқ*, *иссиқ*, *қаттиқ*, *узун*, *қисқа* каби. Бу каби сода абстракцияларда ажратилган белги сезги органларимиз орқали идрок этиладики, совуқлик, иссиқлик, қаттиқлик тери орқали, узун-қисқалик белгилари эса кўз орқали билинади. Тараққиётининг нисбатан кейинроқ босқичларида предметнинг белги ва муносабатлари алоҳида моҳият сифатида талқин қилиниши оқибатида фақат фикран англарадиган белгилар ажратилди ва абстракция даражаси юқори бўлган абстракт сўзлар шаклана бошлади: *ҳаёт*, *умр*, *ўлим*, *тезлик*, *ўлчов*, *бахт*, *қувонч*, *газаб*, *севги*, *муҳаббат* каби. Ҳозирги шиддатли ва тараққий этган замонавий ҳаётимиизда кўплаб абстракт сўзлар неологизм сифатида вужудга келмоқда ва янгилик бўёгини йўқотиб, умумистеъмол лексикага айланиб бормоқда: *глобаллашув*, *ҳамжиҳатлик*, *маънавият*, *мафкура*, *ишибилармонлик*, *тадбиркорлик*, *мобиллик*, *тезкорлик*. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тил

¹ Г о р с к и й Д. П. Вопросы абстракции и образования понятий. М., 1961. С. 151.

² П о т а н и н а О. С. Способы языковой реализации абстрактных понятий в диалектах хантыйского языка. КД. Томск, 2006. С. 73.

³ Бу ҳақда қаранг: Г о р с к и й Д. П. Вопросы абстракции и образования понятий. С.152.

⁴ Ўша асар. 153-бет.

тараққий эсони тобо
ланган ти
нисбатан
мазкур ти
эга эканли

Одам
жамиятда
этик, эсте
сўзларни
рижий тар
билан бой
билан бой
экан.

Антро
да, илмий
кўра, эга
лари инсо
сон ва ун
нинг тар
ўрганила
тадқиқи
истиқбол
илмий та
кўйиш та
Гумбольд
олим тил
оламдир”
тур тарз
юқорида
нинг охи
илмий па
тилшуно
ҳолда, м

Ҳозир
эга бўл
принцип
культром
тил эгалади

Инсо
лисоний
моҳиятла
Бу эса и
нинг та
экан, ин
оламнинг
ва ўзини
диклар а
соннини
оламими

⁵ Гум
⁶ Бу ҳа
чества и

тарақкий этиб борган сари тор тушунчаларни ифодаловчи конкрет сўзлар сони тобора камайиб, абстракт сўзлар сони кўпайиб боради. Энг ривожланган тилларда абстракт сўзлар сони камроқ тарақкий этган тилларга нисбатан кўпроқ бўлади. Ёки муайян тилда абстракт сўзларниң кўплиги мазкур тил эгалари бўлган халқнинг чуқур салоҳиятга, юксак маънавиятга эга эканлигини кўрсатади.

Одамларниң оламни ва ўзини англаш жараёнларининг чуқурлашуви, жамиятда ахлоқий меъёларниң, диний дунёқарашниң вужудга келиши, этик, эстетик маданиятниң шаклланиши тил луғат таркибиға абстракт сўзларни олиб кирган бўлса, бу жараёнларниң доимий давом этиши ва тадрижий тарзда мураккаблашуви лексикани узлуксиз тарзда абстракт сўзлар билан бойишига сабаб бўлади. Демак, тил луғат таркибининг абстракт сўзлар билан бойиб боришига асосий сабаб – инсон омили, антропоцентрик омил экан.

Антропоцентрик принцип тилшунослиқда, асосан, методологик аспектда, илмий тадқиқот принципи сифатида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Унга кўра, эгасидан алоҳидаланиб атрофича ўрганилган тил ва унинг бирликлари инсон билан бирга тадқиқ этилади. Лисоний обьектлар, аввало, инсон ва унинг ҳаёттий фаолияти учун қандай аҳамиятга эга эканлиги, шахснинг тараққиёти ва мукаммалашувидағи вазифалари нуқтаи назаридан ўрганилади. Антропоцентрик принципга асосланган нарса-ҳодисаларниң тадқиқи ва таҳдилининг диққат марказида инсон бўлиб, у тадқиқотниң истиқболи ҳамда сўнгти мақсадини белгилаб беради. Мазкур принцип барча илмий тадқиқотларниң назарий асосларининг юқори чўққисига инсонни кўйиш тамоилига асосланган. Антропоцентрик принцип дастлаб В.фон Гумбольдтниң лингвофалсафий концепциясида ишлаб чиқилган бўлиб, олим тил “ташқи олам ҳодисалари ва одамнинг ички олами ўртасидаги оламдир”⁵, деб ёзган эди. XX асрнинг биринчи ярмида тилниң структур тарзда таҳдил этилишининг оммалашishi натижасида Гумбольдтниң юқоридаги фикрлари илмий ишларда ўз тасдигини топмади. Лекин XX асрнинг охирларига бориб С.Г.Воркачев айтганидек, “гуманитар фанларниң илмий парадигмаларидағи ўзгаришлар жараённида антропологик гояларга тилшунослик методологиясида марказий ўринга эгалик ҳуқуқини қайтарган ҳолда, маятник орқа томонга қараб ҳаракат қила бошлади”⁶.

Ҳозирги кунга келиб тилшунослиқда антропоцентрик омил ўз ўрнига эга бўлдики, бунинг оқибатида лисоний методология антропоцентрик принцип билан бойиди, когнитив тилшунослик, психолингвистика, лингвокультрология каби соҳалар тил ҳодисаларини “тилниң ичида” эмас, балки тил эгалари билан муносабатлари асосида тадқиқ қилмоқдалар.

Инсон омилиниң тилдаги аҳамияти ҳақида гапирганимизда, оламниң лисоний манзарасининг доимий ўзгариши, инсон онгининг маҳсули бўлган мөҳиятларниң тилда вужудга келиши каби масалалар ҳам назарда тутилади. Бу эса инсон онгининг шиддатли тараққиёти билан боғлиқ. Тил инсониятниң ташқи ва ички оламини қандай бўлса, шундай акс эттиришга уринар экан, инсоннинг тажриба, малака, билимининг узлуксиз ошиши натижасида оламниң лисоний манзараси ҳам тубдан ўзгарди. Унда инсоннинг оламни ва ўзини англаши, ўзлаштириши ва ўзгартериши билан боғлиқ барча янгиликлар акс этади. Борлиқни ўрганишда янги каشف қилинган реалликлар, инсоннинг турли фаолияти натижасида яратилган артефакtlар, ақдий ва руҳий оламиимизниң такомиллашуви асосида онга муайян когнитив структура-

⁵ Гумбольдт В. Избранные труды по языкоznанию. М., 1984. С. 304.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Брикотина А. В. Специфика семантики абстрактных имен качества и ее экспликация в синтаксисе. КД, Барнаул, 2005. С. 59

лар шаклланади. Улар эса, ўз навбатида, тилда ўз номланишларига эга бўлади.

Сўнгги йигирма йил ичида барча тиллар қатори ўзбек тилининг лугат таркиби ҳам сифат жиҳатдан ўзига хос неологизмлар, нутқимиз эса янги окказионализмлар билан бойиб борди. Неологизмларнинг салмоқли қисми эса абстракт сўзлар ҳисобига тўғри келади. Бугунги кунда инсон онгининг тез тараққий этиши билан бирга, олам ва одам ҳақидаги фикрларимиз, билимларимиз ҳам мураккаблашиб бормоқда. Тилда эса мураккаб билим ва тушунчаларимизни ифодалайдиган лексик бирликлар, жумладан, абстракт неологизмлар пайдо бўлмоқда. Бу мураккаблик неологизм сўзларнинг семантик структурасида ҳам ўз ифодасини топадики, бу сўзда аксланаётган тушунчавий, ақлий, когнитив структуруларнинг такомиллашганини яна бир карра исботлайди. Мустақиллик даврининг дастлабки йилларида неологизм сифатида қаралган, ҳозирги кунда эса тил лугат таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаган маънавият, баркамоллик, тадбиркорлик, ишбилармонлик, мобиллик ипотека каби абстракт сўзларнинг мураккаб семантикасига назар ташласак, мазкур сўзлар семантикасига йигиқ пропозиция, яширин предикацияни юклаш ҳолатларини кўриш мумкин. Мисол учун, маънавият лексемасининг мураккаб семантикага эгалиги қуйидаги фикрда яққол кўринади: “маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”⁷. Ишбилармонлик лексемасининг эса семантик юки сўз биримасининг семантик юқидан ҳам кўпроқдир: ишнинг кўзини биладиган, кўп ишга ақли етиб уддалайдиган кишига хос хусусият, хатти-ҳаракат, ҳолат. Бу каби мураккаб семантикали абстракт сўзларнинг шаклланиши тез тараққий этаётган, шиддатли замонда катта маълумотларни кичик тил бирликлари ёрдамида ифодалаш заруриятидан келиб чиқади.

Брикотнина таъкидлаганидек, ҳар кунги ҳаётимизга бевосита кузатишдаги оламимииздан фарқли оламлар ҳақидаги ахборотларнинг кириб келиши ҳам лугат бойлигимизни абстракт сўзлар билан тўлдиради⁸. Техника тараққиёти даврида ойинаи жаҳон, интернет орқали доимий равишда дунёнинг хоҳлаган нуқтасидан тасвирлар, маълумотлар олинмоқда, космонавтиканинг сўнгги ютуқлари асосида коинотдаги ўзлаштиришлар мунтазам равишда ахборот воситаларида узатилмоқда, техниканинг имкониятлари ёрдамида афсонавий ва виртуаль кино, видео маҳсулотлари ҳаётимизга кириб келди. Бу маълумотларни ўзлаштириш, узоқдаги оламларни англаш эса инсондан кўпроқ абстракт мушоҳадани талаб қиласиди. Абстракт мушоҳада натижасида эса абстракт сўзлар шаклланади. Онлайн, виртуал, виртуоз каби абстракт сўзлар шулар жумласидандир.

Инсоният цивилизацияси нафақат фан-техника тараққиёти билан, балки маънавий баркамоллик, ахлоқий етуклик, руҳий поклик каби категориялар билан ҳам белгиланади, инсонларнинг маънавий комиллик сари талпинишлари натижасида мазкур категорияларни номловчи абстракт сўзлар вужудга келади: маънавият, мафкура, қадрият, анъана, салоҳият, инсонпарварлик, бағрикенглик, барқарорлик, ақидапарастлик...

Демак, тил лугат таркибининг абстракт сўзлар билан узлуксиз бойиб боришининг асосий сабаби антропоцентрик омил – инсон омили экан. Инсоният цивилизацияси жараёнида тафаккурнинг абстракциялаш фаолиятининг мураккаблашуви, жумладан, белги ва муносабатларни объектидан ажратиб идрок қила олиши, бевосита кузатишда бўлмаган ҳодиса ва моҳиятларни ҳам англай олишининг шаклланиши ва маънавий-руҳий дун-

⁷ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 19-бет.

⁸ Брикотнина Л. В. Кўрсатилган диссертация. 63-бет.

ёсининг кам юқоридагила вишида абстра

In Muhyau...
tionary's struct
that the main c

Сўзловчи
ли фойдалан
нутқ қаратил
ўзгаришсиз ё
ҳолда кўллан

Замонави
ва ўзиники б
Тилшунослик
ўзлаштирма
“Лингвистик
гапга қуйидан
иштирок этга
ўз мулоҳазаси

Ўзиники б
ўрни, лингво
тилшунослик
ларда ҳам фи
ёт назарияси
гапларнинг ш
орқали тафак
лар ўзиники б
лари сингари
ана шу восита
нутқнинг эст

атининг асос
ўқувчига етка
кўчирма гапла
Бадий ма
лифининг мад
объектив воқ
долат тавсифи
бўлмаган кўчи
омилларидан
ми асар перс
ўзиники бўлм
маълумотларн
гини кучайти

Хожиев

ёсининг камол топиши асносида тилда абстракт сўзлар вужудга келди ва юқоридагиларнинг узлуксиз тараққиёти тил дугат таркибининг доимий равишда абстракт сўзлар ҳисобига бойиб боришини таъминлайди.

Resumes

In Muhayyo Hakimova's article under the title of "Reasons of enrichment of dictionary's structure with abstract words" basin on analysis is shown that the main shown that the main cause of this process is anthropocentric factor.

Шоҳида СИДДИҚОВА

НУТҚИЙ МУЛОҚОТДА ЎЗИНИКИ БЎЛМАГАН КЎЧИРМА ГАПЛАР

Сўзловчи ёки ёзувчи баъзан фикр ифодалашда ўзга гаплардан ҳам унумли фойдаланади. Ўзгаларнинг гапи сўзловчи томонидан нутқий вазият, нутқ қаратилган шахс билан боғлиқ хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳеч ўзгаришсиз ёки мазмуни сақланган, аммо грамматик жиҳатдан ўзгаририлган ҳолда қўлланилиши мумкин.

Замонавий тишлиносликда нутқ ифодалашнинг кўчирма гап, ўзга гап ва ўзиники бўлмаган кўчирма гап (ЎБҚГ) каби турлари қайд қилинади. Тишлинослик бўйича яратилган тадқиқотларда асосан кўчирма гап ва ўзлаштирма гаплар тўғрисида бирмунча тўлароқ фикрлар баён қилинган. "Лингвистик терминаларнинг изоҳи дугати"да ўзиники бўлмаган кўчирма гапга қўйида изоҳ берилган: "Автор кўчирма гапдаги сўзловчи сифатида иштирок этган гап. Бунда автор персонаж тилида ўзи гапиради ёки воқеага ўз мулоҳазасини киритади"¹.

Ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар ва уларнинг бадий матнда тутган ўрни, лингвопоэтик вазифалари, услубий хусусиятлари тўғрисида нафақат тишлиносликка оид манбаларда, балки адабиётшуносликка оид изланишларда ҳам фикр юритилади. Жумладан, 1978 йилда нашр этилган "Адабиёт назарияси"нинг 1 жилдида: "Бадий нутқда ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг шаклларидан фойдаланиш "қисман" ўзлаштирилган кўчирма гап орқали тафаккур юритиш санъати" деб таъриф берилади. Шундай экан, адиллар ўзиники бўлмаган кўчирма гаплардан ҳам бошқа бадий тасвир восита-лари сингари фаол фойдалансалар, қаҳрамонларнинг ички ҳис-туйғуларини ана шу восита орқали ўқувчига етказиб беришга ҳаракат қиласалар, бадий нутқнинг эстетик таъсир кучини янада оширган бўладилар. Зоро, сўз санъатининг асосий моҳияти санъаткор ҳис қилган бирор туйғу-кайфиятни ўқувчига етказишдан иборат. Мана шу эстетик вазифани ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар ифодалайди.

Бадий матнларда тил бирликларининг қўлланилиши, аввало, асар муаллифининг маданий-маънавий дунёқарашига, тафаккури, ўзини ўраб турган объектив воқелик фактларига бўлган муносабатига боғлиқ бўлади. Руҳий ҳолат тавсифи ва муносабат ифодалашда муҳим аҳамият касб этувчи ўзиники бўлмаган кўчирма гапларни нутқий мулоқотнинг энг муҳим ички лисоний омилларидан бири дейиш мумкин. Чунки бадий матнларни тизими асар персонажларининг ўзаро муносабати асносида очиб берилар экан, ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар тасвирланадиган персонаж тўғрисидаги мазъумотларни янада тўддиради ва бадий асар тилининг таъсирчанилигини кучайтиради. Нутқнинг этносоционпрагматик хусусиятлари бўйича

¹ Ҳожиев А. Лингвистик терминаларнинг изоҳи дугати. Тошкент, 1985. 115-бет.